

АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ

*Комилова Гўзал,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Каталоглаштириш ва туркумлаштириш хизмати
бош мутахассиси*

Республикамизда қабул қилинаётган ахборот-кутубхона фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларининг пайдо бўлиши ва такомиллашуви, шубҳасиз кутубхона ишларини ривожланишида муҳим рол ўйнайди, чунки уларни тадбиқ қилиш ва фойдаланишдан биринчи навбатда кўзда тутилган асосий мақсад фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини оширишдир.

Каталоглаштириш – режали ташкиллаштирилган, ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи библиографик каталог ва библиографик картотекалар мажмуидан иборат бўлган кутубхонанинг маълумот-библиографик аппаратининг қисмидир. Кутубхона каталоглари карточка, машина ўқийдиган ва китоб кўринишида бўлиши мумкин. Каталоглаштириш таркибига библиографик ишлов бериш, маълумотларни автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимига киритиш (ААКТ) ёки каталог карточкаларининг нусхасини кўпайтириш, каталоглар билан ишлаш (ташкил қилиш, яратиш ва таҳрир қилиш) киради. Кутубхона фонди таркиби ва мазмунини ҳар томонлама очиб бериш учун анъанавий ва электрон каталогларни яратади. Каталоглаштириш қоидалари ҳар иккала каталогларга ҳам тегишли бўлиб, каталоглаштириш жараёнида библиографик ахборотни библиографик ёзув ўз ичига олади.

2012 йил 20 мартдаги ПҚ-1729-сон «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди «Каталоглаштириш қоидалари» Давлат Стандартти-

ни ишлаб чиқиш ҳақида дастурда алоҳида пунктларда вазифа қилиб белгилаб қўйилган. Дастурга мувофиқ халқаро қоидалардан келиб чиққан ҳолда (каталоглар яратишда) ахборот – кутубхона ресурслари қидирув тизимларини такомиллаштиришда «Каталоглаштириш қоидалари»дан фойдаланган ҳолда иш юритиш мақсад қилиб олинган. 2012 йилдан бошлаб ушбу янги Давлат стандарти устида иш олиб борилиб, ҳужжат рус ва ўзбек тилларида тайёрланди.

«UNICON.UZ» – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ишлаб чиқилган. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стандартлаштириш бўйича 7-сон техник кўмита томонидан киритилган.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2016 йил 22 январдаги 05-739-сон қарори билан тасдиқланган ва амалга киритилган.

O'z DSt 3053:2016 Ўзбекистон Республикасининг Давлат Стандарти «Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона ресурслари. Каталоглаштириш қоидалари». Ушбу стандарт ахборот-кутубхона ресурсларининг барча турларини каталоглаштиришга қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Стандарт ахборот-кутубхона муассасалари, илмий-техник ахборот органлари, давлат библиография марказлари, нашриётлар, бошқа библиография қилувчи муассасаларда ишлаб чиқариладиган ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштиришга тааллуқлидир.

Каталоглаштириш қоидасидан келиб чиққан ҳолда каталоглаштиришнинг замонавий базасини ташкил қилиш учун Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам каталоглаштириш қоидасини ривожлантириш ҳамда ахборот-кутубхона ресурсларига кира олиш ва қидириш тизимини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Республикамиздаги барча ахборот-кутубхона муассасалари мисолида оладиган бўлсак, электрон каталогларни тартибга солиш ва йиғма каталоглар яратишда қатнашиш бочқичма-босқич амалга оширилади. Ўзбекистон Республика-

сининг ахборот-кутубхона фаолияти туғрисидаги УРК-280-сон 13.04.2011 йилдаги қонуни кутубхона соҳасида асосий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу қонунга асосан барча ахборот-кутубхона муассасалари йиғма электрон каталогда қатнашишлари белгилаб берилган. Республикамиздаги 12000 дан ортиқ ахборот-кутубхона муассасаларини каталоглари билан алмашилиш, йиғма каталоглар яратиш учун бир хилликка эга бўлишимиз зарур. Ҳозирги кунга келиб кўпгина ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларидан фойдаланиб, ўзларининг фондларидаги адабиётларнинг электрон каталогларини шакллантириш ишларини олиб бормоқдалар. Ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштиришнинг қоидалари каталоглаштиришнинг миллий қоидалари ҳисобланади, улар О'зДSt 1215:2009 «Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари» асосий миллий стандарти қоидаларини ривожлантиради ва ахборотни илмий қайта ишлаш соҳасининг нафақат амалдаги, балки «Каталоглаштиришнинг халқаро тамойиллари туғрисидаги декларация», Халқаро стандарт библиографик тавсифнинг (ISBD) янги версиялари каби истиқболдаги халқаро тавсияларини ҳам энг юқори даражада ҳисобга олади.

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлар татбиқи кутубхона фондида мавжуд, ҳамда янги келиб тушаётган ҳужжатларга библиографик ишлов беришда мутахассис ходимлар ишини анча камайтирди ва фойдаланувчиларга ҳам қулайлик яратди. Каталогларни тартибга солишда, йиғма электрон каталогни шакллантиришда иштирок этишда, Ўзбекистон Республикасида чиқариладиган нашрларнинг Давлат библиографик ҳисобини юритишда муаммо туғдирмаслик мақсадида ушбу О'з ДSt 1215:2009, О'з ДSt 3053:2016 Давлат стандартлари асосида библиографик ёзувларни яратиш лозим.

Ахборот-кутубхона соҳасида каталоглаштириш жараёни муҳим жараён эканлигини инобатга олиб, уни ривожлантириш учун янада чуқурроқ ёндашган ҳолатда халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда янги меъёрий ҳужжатлар устида ишлаш ва татбиқ этиш лозим.